

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 197 (1258), 2024 йил 27 сентябрь, жума



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ САМАРАЛИ МУВОФИҚЛАШТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 сентябрь куни Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси, Сиёсий-юридик комиссияси котиби Чэнь Вэньцин бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Делегация раҳбари Чэнь Вэньцин давлатимиз раҳбарига Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг салом ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик ва барча шароитларда стратегик шериклик муносабатларини олий даражада қабул қилинган қарорлар асосида ривожлантириш ва мустақамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Терроризм, экстремизм, трансмиллий жиноятчилик, кибержиноятчилик, наркотрафик каби хавфсизликка таҳдид солаётган анъанавий ва янги хатарларга қарши курашда амалий ҳамкорликни кенгайтириш ва саъй-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу кунларда бўлиб ўтган Хуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва хавфсизлик соҳасидаги Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлик механизмининг биринчи йиғилиши натижалари юқори баҳоланди.

Шунингдек, минтақавий кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ВОСИТ ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ МАРКАЗИ ЖАМОАСИГА

Қадрли юртдошлар! Аввало, сиз, азизларни бугунги кутлуг сана — академик Восит Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилганининг 50 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ўзбекистонда жарроҳлик бўйича етакчи ва нуфузли муассаса ҳисобланган ушбу Марказ кўп миллатли аҳил жамоасининг фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида алоҳида ўрин эгаллаб келётганини барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Бугунги кунда айёнда Марказни ташкил этиш, унинг тиббий салоҳиятини оширишда беқиёс хизматлар қилган табаррук инсонлар, хусусан, халқаро миқёсда тан олинган атоқли олим Восит Воҳидовнинг хотирасини ҳурмат-эҳтиром билан ёдга оламиз. Ўзбекистон тиббиёт илмида ёрқин из қолдирган ана шу фидойи ва жонқур инсоннинг саъй-ҳаракатлари билан Марказ фаолияти самарали йўлга қўйилиб, янги диагностика ва даволаш усуллари клиник амалиётга биринчилардан бўлиб жорий этилди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ишохотлар туффайли ҳозирги кунда Марказ фаолияти янги босқичга кўтарилмоқда. Хусусан, дунёнинг етакчи илмий марказлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Тиббий диагностика ва даволашнинг илғор ва самарали усуллари кенг татбиқ этилмоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда мазкур шифохонада 200 дан ортиқ янги жарроҳлик амалиёти жорий этилиб, қорин ва кўкрак соҳаси ҳамда юрак-қон томир касалликлари бўйича энг мураккаб ва юқори технологик операциялар бажарилаётгани диққатга сазовордир.

Бу ҳақда сўз юритганда, юртимизда илк бор шу масканда йўлга қўйилган тажриба асосида 1 минг 500 та буйрак ва жигар кўчириб ўтказиш операцияси, жумладан, туманларда 200 та буйрак трансплантацияси амалга оширилганини таъкидлаш лозим.

Ҳеч шубҳасиз, бундай натижаларга эришишда мамлакатимизда хирургия хизмати-ни ислох этиш, ҳудудларда унинг сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш, Марказ ва унинг филиаллари моддий-техник базаси ҳамда кадрлар салоҳиятини мустақамлаш борасидаги ишлар муҳим омил бўлмоқда.

Энг асосийси, оғир хасталиклардан азият чекаётган қанча-қанча юртдошларимиз кўп вақт ва малаба эвазига хориждаги клиникаларга бориш азобидан қутулиб, ўзимизда даво топтомоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, ўз ҳаётини инсон саломатлигини сақлашдек гоат олижаноб ишга бағишлаган Марказнинг бутун жамоасига — хурматли профессор ва тадқиқотчилар, моҳир жарроҳ ва шифокорлар, жонқур ҳамширалар, мутахассис ходимларга чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Албатта, Марказ ва унинг минтақавий филиаллари, туман тиббиёт бирлашмаларининг хирургия бўлимларини модернизация қилиш, моддий-техник базасини мустақамлаш, сизларнинг машаққатли меҳнатингизни рағбатлантириш келгусида ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Сиз, азизларни бугунги кунда айёмида бир бор самимий кутлаб, барчангизга сизга-саломатлик, оилавий бахт, шароити ва масъулияти фаолиятингизда улкан зафарлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини халқаро андозалар асосида ривожлантириш, аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни тақомиллаштириш, соҳада замонавий даволаш усуллари ва илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий этиш, хусусан, мураккаб жарроҳлик операцияларини муваффақиятли амалга ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини мустақамлашга қўшган муносиб ҳиссаси, юксак профессионал маҳорат ва малакага эга бўлган мутахассисларни тайёрлашдаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун куйидагилар мукофотлансин:

Хайбуллина Зарина Руслановна — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг клиник биокимё ва микробиология бўлими мудир

Хайдаров Алишер Эркинвич — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг кардионестезиология, кардиореанимация ва сунъий қон айланиш бўлими мудир

Ярбеков Рустам Раимқуллович — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг юрак ишемиё касалликлари ва унинг асоратлари хирургияси бўлими мудир, кардиожарроҳ

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими” фахрий унвони билан

Исмаилов Сайдирад Ибрагимович — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори

II даражали “Саломатлик” ордени билан

Гуламов Олимжон Мирзахитович — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг торақабдоминал онкохирургия бўлими мудир

Мадгазиев Олег Рахматович — Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг торақабдоминал хирургия бўлими шифокори

Ўзбекистон Республикаси Президенти

“Дўстлик” ордени билан

Рустамова Франгис Камрановна — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг маслаҳат поликлиникаси бўлими кичик тиббий ходими

Шуваева Ольга Владимировна — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг тиббиёт архиви мудир

“Соғлом турмуш” медали билан

Джураева Нигора Мухомовна — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг магнит резонанс ва компьютер томографияси бўлими мудир

Кадиров Марат Жалғасович — У.Халмуратов номидаги Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт марказининг жарроҳлик бўлими шифокори

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 26 сентябрь

МАЪРИФАТЛИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЮКСАК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ ҲАМДА МУСТАҚАМЛАНМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 26 сентябрь куни қурилиш, таълим, туризм ва саноат соҳаларидаги лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Маълумки, жорий йил 3 апрель кунини Янги Тошкент шаҳрида илк иншоотлар қурилиши бошланган. Давлатимиз раҳбари бу улкан лойиҳа илм-фан ва маънавият масканларидан бошланаётганига ургу бериб, “Булар маърифатли жамият барпо этиш гоъямизининг асоси ва намунаси бўлади”, деган эди.

Шулардан бири — Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Адабиёт музейи ва Миллий мақом марказини ўз ичига олган мажмуадир. У жаҳонга машҳур “Zaha Hadid architects” компанияси томонидан лойиҳалаштирилган. Бўлажак мажмуа ўзини хос дизайни ва функционалиги билан диққатга сазовор. Унда эстетика ва қўлайлик моҳирона бирлаштирилиб, атроф-муҳит билан уйғунлик ҳосил қилади. Шу жиҳатлари билан мажмуа келгусида халқаро туризм масканларидан бирига айланади.

Янги Тошкент учун яна бир салоҳиятли гўша — Чирчиқ дарёси. Аҳоли ва меҳмонларга замонавий шароитлар яратиш мақсадида унинг 6 километрга яқин қисмида дам олиш ҳудуди барпо этиш мўлжалланган. Бунинг учун қирғоқлар тартибга келтирилиб, кўкаламзорлаштирилади. Меҳмонхона,

соғломлаштириш ва кўнгилоҳар масканлар қурилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги янада мустақамлашиб бормоқда. Ушбу нуфузли ташкилот Бош конференциясининг 43-сессияси 2025 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 15 мартдаги қарорига мувофиқ, бунга тайёргарлик бошлаб юборилган.

Тақдимотда шу борада амалга оширилаётган ишлар ҳамда режалар тўғрисида ахборот берилди. Хусусан, Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида Самарқанд шаҳридаги маданий мерос объектларини асраш, улар бўйлаб саёхатлар ва кўргазмалар ташкил этиш чоралари кўрилмоқда. Меҳмонхоналар ва тадбирлар ўтказиладиган жойларда барча шароитлар яратилади. Сессия иштирокчиларининг келиб кетиши, маданий тадбирлар, транспорт ва тиббий хизматлар мувофиқлаштириб борилади.

Ижтимоий соҳадаги энг катта йўналишлардан бири бу таълим. Аҳолисининг кўпчилиги ёш бўлган мамлакатимизда унинг барча босқичлари изчил ривожлантирилмоқда. Хусусан, олий таълимда ҳам янги масканлар қурилиб, шароитлар яхшилланмоқда.

Бухоро давлат университетиди 21 мингдан зиёд ёшлар ўқийди, 10 та факультет, 8 та ётоқхона бор. Лекин бинолар шаҳарнинг тури ҳудудларида тарқоқ жойлашган бўлиб, ўқитувчи ва талабаларга ноқулайликлар туғдирмоқда.

Шу боис, Бухоро шаҳрининг чеккасида университет учун янги кампус қуриш режалаштирилмоқда. 43 гектарда лойиҳалаштирилаётган мажмуада барча факультетлар, маъмурият, ётоқхоналар, лабораториялар, кутубхона, стадион, спорт зали ва амфитеатр яхлит жойлашади. Дарс ва амалиёт учун замонавий шароитлар яратилади. Ётоқхона ўрни 3 мингтадан 6 мингтага ошади. Бўш майдонларга дарахтар экилиб, боғ барпо этилади.

Хива шаҳри юртимизнинг туризм манзилларидан бири. Сўнгги йиллардаги бунёдкорлик ишлари натижасида унинг салоҳияти

янада ошди. Бу ерга келувчиларга қўлайлик яратиш мақсадида поезд вокзали ёнида йўл ўтказгич барпо этиш мўлжалланмоқда. Лойиҳага кўра, 450 метрлик бу йўл транспортлар катновини алоҳида ташкил этиш имконини беради, вокзал ва Ичан қалъа ўртасида пиёдалар хавфсиз ҳаракатланади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни такомиллаштириш, амалдаги ишларнинг сифатини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Тақдимотда Тошкент шаҳрида инвестиция дастуруларининг бажарилиши ҳақида ҳам ахборот берилди. Кайд этилгандек, жорий йилнинг ўтган даврида 2 миллиард доллар қийматдаги инвестициялар ўзлаштирилган. 200 га яқин саноат лойиҳалари фойдаланишга топирилиб, 25 мингдан зиёд иш ўрни яратилган. Жумладан, Янги-ҳаёт туманидаги технопаркда 46 та корхона ташкил этилмоқда.

Президентимиз йил якунигача мўлжалланган лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш, энергия тежамкорликка алоҳида аҳамият қаратиш зарурлигини таъкидлади.

ЎЗА

МЕНИНГ ТАНЛОВИМ — ОБОД ВАТАНИМ!

27 ОКТЯБРЬ — ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ
ВА МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
САЙЛОВИ КУНИ



MENING TANLOVIM — OBOOD VATANIMI!

Мазкур мақола Ўзбекистон Халқ демократик партиясига сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

▶ 3-бетга қаранг.

ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ХАБИГА АЙЛАНА ОЛАДИМИ?

Бир неча ўн йиллар аввал юртимизда машҳур миллий бренд остида электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошлагани кўпчилик томонидан ҳайрат билан кутиб олинган. Бренд аста-секин кенгайиб, маҳсулотлар тури кўпайиб борди. Аммо унинг сифатига аҳоли тўла ишонч билдирмади, ички бозорда қиммат бўлса ҳам хорижникига талаб юқори бўлиб тураверди.

Кундалик турмушда фойдаланиладиган маийий техника воситалари узоқ хизмат қилиши учун чет элникини олишимиз керак, ўзимизники эса талабга жавоб бермасди. Қолаверса, миллий маҳсулотлар бозорида рақобат ҳам йўқ, қаерга қараманг, бир номидаги брендини учратиш мумкин эди.

Кейинги йилларда юртимиз маҳаллий саноати ривожига назар солинса, айнан электротехника тармоғидаги катта ўзгаришлар яққол кўзга ташланади. Сўнгги етти йилда соҳага 1 миллиард доллар инвестиция киритилган. Натижада 762 та корхона ишга туширилиб,

45 турдаги янги маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилган. Ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 баробар ўсган. Соҳада маҳаллийлаштириш кўрсаткичи бир неча баробар ортгани, ички бозорни эгаллаётган миллий бренд маҳсулотларимиз хорижа ҳам фаол экспорт қилинаётгани катта ютуқларимиздан. Ҳозир маҳсулотлар номи ҳам хилма-хил ва аксарияти ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Қайсибир корхонада ҳар 15 сонияда битта музлаткич тайёр бўлиши ҳам лоф эмас, ишонаверинг.

▶ Давоми 4-бетда



ДУНЁ БЎЙЛАБ САЙЛОВЛАР ЙИЛИ

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИГА ОИД МУҲИМ ЎЗГАРИШЛАР НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?



Алишер ЭШОНҚУЛОВ,
Давлат бошқаруви академияси
доценти в.б.

чайтирилган шaroитда ўтказилмоқда. Ўзига хос жиҳатлар қуйидагилар билан ажралиб туради.

Биринчидан, сайлов янги конституциявий шaroитда ўтказилади. Ўтган йили референдум асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияда халқ депутатлари кенгашига унинг депутатлари орасидан қонунга мувофиқ сайланган раис бошчилик қилиши, шунингдек, вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари кенгаши раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмаслиги оид янги норма мустаҳкамланди. Бу шундан далолат берадики, бу йилги сайлов якунлари бўйича халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашига раис янги сайланадиган депутатлар орасидан танланади.

Иккинчидан, Қонунчилик палатасидаги 150 та депутатлик ўрнининг тенг ярми — 75 депутат мажоритар сайлов тизимига мувофиқ ҳудудий бир мандатли сайлов округлари

дунда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди ягона сайлов округи ҳисобланади. Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловда бир мандатли сайлов округларининг ҳар биридан 1 нафардан депутат сайланади.

Авалги сайловлар тўлиғича мажоритар сайлов тизими асосида ўтказилган. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш учун мамлакатда тузилган 150 та ҳудудий сайлов округининг ҳар биридан номзодларнинг 1 нафари депутат этиб сайланган.

Учинчидан, сайлов қонунчилиги илгор демократик стандартларга мос равишда тубдан такомиллаштирилди. Жумладан, сайлов органларининг Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги янги тизими жорий этилди, сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодларни кўрсатишда аёлларнинг улуши камида 40 фоиз бўлиши белгиланди.

Депутатликка номзод сайланиши учун сайловчиларнинг нисбий кўпчилиги овозини олиши белгиланди. Унга қўра, номзод тегишли сайлов округида бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз тўплаган тақдирда депутат бўлиб сайланиши мумкин бўлади ва шу орқали такрорий овоз беришни ташкил этиш талаб этилмайди.

Тўртинчидан, аввалги сайловларда овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпи (50+1), яъни **мулқ кўпчилик** овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланган. Унда депутатликка номзодлар иштирокчи сайловчилардан ярмидан кўпининг овозини тўплай олган тақдирда энг кўп овоз тўплаган 2 номзод ўртасида такрорий овоз бериш ўтказилган. Масалан, 2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида 25 та сайлов округи бўйича номзодларнинг бирортаси ҳам овоз беришда иштирок этган сайловчилардан ярмидан кўпининг овозини тўплай олгани сабабли 2020 йил 5 январь кунини такрорий овоз бериш ўтказилган.

Энди янгиланган сайлов тизими бўйича Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш учун 75 та ҳудудий бир мандатли сайлов округи бўйича овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг бошқа номзодларга **нисбатан кўпроқ** овозини (нисбий кўпчилик) олган номзод сайланган деб ҳисобланади. Бу билан номзодни танлаб олиш учун аввал шарт этиб белгиланган 50+1 қондаси бекор бўлди ва вакилик органлари учун такрорий овоз бериш институти тугатилди. Бу, ўз навбатида,

сайлов ўтказиш учун сарфланадиган меҳнат ресурсларини камайитириш ва молиявий харажатларини тежашга олиб келади.

Бешинчидан, сайлов жараёнига кириштирилган янгиликларга қўра, энди Қонунчилик палатасига сайловда ягона сайлов округи бўйича овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг камида 7 фоиз овозини олган сиёсий партиялар белгиланган тартибда мандатга эга бўлади. Акс ҳолда, ушбу сиёсий партияга Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари тақсимланмайди. Бу, ўз навбатида, сиёсий партиялар ўртасида сиёсий рақобат ортиши, сайловчилар олдига сиёсий партиялар масъулияти ошishi, шу билан бирга, жамиятда сиёсий онг ва сиёсий маданият, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги янада юксалишига имкон беради.

Олтинчидан, сайлов янги таҳрирдаги Конституцияда мустаҳкамланган кучли парламентаризм ва жойларда вакилик органларининг ваколатлари сезиларли даражада кучайтирилган шaroитда бўлиб ўтади. Хусусан, Қонунчилик палатасининг мулқ ваколатлари амалдаги 5 тадан 12 тага, Сенатда эса 12 тадан 18 тага кўпайтирилди. Парламентнинг ижро этувчи, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус хизматлар фаолияти устидан назорат функциялари кенгайтирилди.

Қолаверса, жорий йил сайловда Қонунчилик палатасининг 150 нафар депутати, Сенатнинг 56 нафар аъзоси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 65 нафар депутати, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, 208 та туман (шаҳар) кенгаши депутатлари сайланади. Шунга қўра, 30 мингга яқин номзод, уларнинг 90 миңга яқин ишончли вакили сайлов жараёнида фаол иштирок этиши ҳамда сайлов комиссияларининг 120 миңдан ортқ аъзоси ташкилотчи сифатида, 70 миңдан ортқ маҳаллий ва хорижий (халқаро) кузатувчи иштироки кутилмоқда.

Еттинчидан, бу йилги сайлов жараёни тўлиқ рақамлаштирилди. Яъни “E-saylov” ахборот тизими ишга туширилди. Бу сайлов жараёнидаги ортққа қўзғобозлик ва сарф-харажатларини камайитириш, қолаверса, сайлов жараёнига оид маълумотлардан тез ва самарали фойдаланишга хизмат қилади. Ушбу тизим орқали сайлов комиссияларининг сиёсий партиялар, номзодлар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари билан деярли 60 турдаги муносабати тўлиқ электрон тарзда амалга оширилади.

Жорий йил дунё сиёсий майдонида сайловлар йили, десак муболага бўлмайди. Сабаби, 2024 йилда 64 та давлатда Президент ва парламент сайловлари ўтказилиши режалаштирилмоқда. Ушбу сайловларда 4 миллиардга яқин сайловчи қатнашиши кутилмоқда. Бу эса дунё аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этади. Энг кўп сайловлар бўйича Европа минтақаси 20 та мамлакат билан пешқадам. Шунингдек, Африканинг 18 та, Осиёнинг 16 та, Американинг 7 давлати ва Океаниянинг 4 минтақасида ушбу муҳим сиёсий жараён ўтказилади.

Осиё минтақасининг 12 та давлатида парламент сайлови ўтказилиши белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг янги тараққиёт босқичи учун ҳам янги сайлов тизими асосида сайлов ўтказилади.

Марказий сайлов комиссияси 26 июль кундан мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганини эълон қилди. Бу жуда долзарб ва аҳамиятли сиёсий жараён бошлангани ҳамда сиёсий партиялар ўртасида сайловчиларнинг ҳар бир овози учун беллашув қизгин бўлишини аниқлади. Ушбу сайлов “Менинг танловим — обод ватаним” шиори остида ўтказилади.



Жорий йил 27 октябрь кунини ўтказиладиган мазкур сиёсий жараён мамлакатимиз ва халқаро миқёсида алоҳида хусусиятлари билан ажралиб туради. Жумладан, сайлов илк маротаба янги таҳрирдаги Конституцияда белгиланган мулққа янги ижтимоий-сиёсий муҳитда, парламент ва маҳаллий кенгашларнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни ва ваколатлари сезиларли даражада куч

дан, қолган 75 нафари пропорционал сайлов тизими асосида ягона сайлов округида сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар рўйхати бўйича сайланади. Бунинг учун мамлакатда 75 та ҳудудий бир мандатли сайлов округи ҳамда сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар рўйхати асосида сайловни ўтказиш учун ягона сайлов округи тузила-

ОИИБ БУТУН МАРКАЗИЙ ОСИЁ УЧУН МУҲИМ ИНФРАТУЗИЛМА ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ СТРАТЕГИК ҲАМКОРИ

Хорижий иштирокчилар ва экспертлар 25-26 сентябрь кунлари Самарқандда бўлиб ўтган Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки Бошқарувчилари кенгашининг IX йиллик йиғилиши ҳақида ўз фикрларини билдирдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки Бошқарувчилари кенгашининг IX йиллик йиғилиши очилиш сессиясида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ОИИБ билан ўрта шаҳарларни ривожлантириш ва қишлоқ жойларда инфратузилмани яхшилаш бўйича ҳамкорликнинг кейинги истиқболларига тўхталиб ўтди. Таъкидланганидек, яқин йилларда қуёш, шамол ва гидро электростанциялари, инфратузилма объектлари ва тармоқларини қуриш, йирик “яшил” маълумотлар марказларини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Бундан ташқари, қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига “яшил” сертификатлар бозорини шакллантириш режалаштирилган. Ушбу саъй-ҳаракатлар Марказий Осиёни “яшил” энергиянинг йирик экспортчисига айлантиришга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Павел ШИБЕК,
Польша молия вазирлигининг
халқаро ҳамкорлик
департаменти директори:



— Ушбу тадбирда кўплаб масалалар қатори Ўзбекистон Президентининг таълимга алоҳида тўхтагани мени ҳайратда қолдирди. Дарҳақиқат, таълим иқтисодиётнинг ўсиши учун энг муҳим омил ҳисобланади. Польша 1989 йилдан кейин жуда қуйи даражадан ривожлана бошлаган ва таълимга қаратилган саъй-ҳаракатлар туфайли ЯИМни сезиларли даражада оширишга муваффақ бўлган мамлакатдир.

Менимча, юқори малакали ишчи кучи зарур бўлган замонавий геосиёсий дунёда сифатли таълим долзарб аҳамиятга эга. Ривожланишда давом этаётган мамлакат учун билимли жамиятга эга бўлиш муҳимдир.

Ўзбекистон раҳбарининг нутқидан мамлакатининг кейинги йилларда, айниқса, олий таълим ва ундан фойдаланиш соҳасида катта ютуқларга эришганини кўриш мумкин.

Марк КУССЕН,
Бреттон-Вудс тизимини қайта
кўриб чиқиш қўмитаси таҳлил
маркази директори:



— Ушбу йирик тадбирда иштирок этиб, мамлакатининг хозирги ривожланишини кузатиш мен учун қизиқарли бўлди. Ўзбекистон Президенти тобора тарқоқлашиб бораётган глобал иқтисодиёт шaroитида мамлакатнинг янада юқорига ўсиши ва барқарорликка эришиш қобилиятига ишонди.

Нафақат мамлакатининг, балки умуман, Марказий Осиёда ҳам катта ютуқларни кўрмоқдам. Инвестициялар ва инфратузилмани ривожлантириш тобора муҳим

Ли ЧЖЭН,
Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий
Европа ва Марказий Осиё институти директори ўринбосари:



— Қисқа вақт ичида юксак даражадаги йирик халқаро анжуманларнинг эътироф этилган марказларидан бирига айланган гўзал ва бетакрор Самарқанд шаҳри дунёнинг турли бурчакларидан келган хорижий меҳмонларни яна кутиб олди. Жумладан, 25 сентябрь кунини ушбу қадим кентда Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки Бошқарувчилари кенгашининг йиллик йиғилиши очилиши бўлиб ўтди ва унда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқи билан дунёнинг 100 дан ортқ давлатидан 2 миңга яқин делегат иштирок этган мазкур халқаро тадбирнинг барча иштирокчиларига куч ва шижоат бағишлади. Анжуманда қатнашаётган иштирокчилар сони 2015 йилда Осиё

инфратузилмавий инвестициялар банки ташкил этилганидан буён Марказий Осиё минтақасида илк бор ўтказилаётган мазкур тадбирнинг глобал аҳамиятидан далолат беради.

Президент Шавкат Мирзиёев жаҳондаги бугунги вазиятга қисқача тўхталиб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохларнинг асосий ютуқлари ва мамлакат олдига турган стратегик вазифалар билан таништирди. Шунингдек, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки билан ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилан берди.

Ўз-ўзидан аёнки, ОИИБ нафақат мамлакат, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун муҳим саналган қатор инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорига айланди.

аҳамият касб этмоқда. Ўйлайманки, минтақада ва мамлакатининг бутун дунё бўйлаб инвестицияларини жалб қилиши керак бўлган муҳим жиҳатлар бор.

Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари сингари денгизга чиқиш имкониятига эга эмас, шунинг учун ўзаро боғлиқлик ва инфратузилма иқтисодий ўсиш ҳамда унинг имкониятларини очишда муҳим аҳамиятга эга. Тарих, Буюк ипак йўлининг бир қисми бўлган гўзал Самарқанд шаҳрини кўрганимдан фахрланаман. Ипак йўлини тиклаш нафақат янги инвестицияларни жалб этиш, балки аҳолининг ўсиши ва иқтисодий ривожланиш йўлини яратиш учун барқарор, “яшил” ва инклюзив бўлиши керак бўлган инвестициялардир.



Козим НИЁЗ,
Покистон Иқтисодий ишлар
вазирлиги котиби:

— 25-26 сентябрь кунлари Ўзбекистонда бўлиб ўтган Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки Бошқарувчилари кенгашининг йиллик йиғилишида иштирок этиш Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим босқич бўлди. Учрашувда барқарор инфратузилмани ривожлантириш, тоза энергия ва рақамли трансформация масалаларига бағишланган асосий сессиялар бўлиб ўтди. Бу мавзулар, айниқса, Покистонга тегишлилиги билан янада муҳимдир. Тадбирда транспорт ва энергетика инфратузилмасини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришнинг янги имкониятлари, шунингдек, барқарор шаҳарларни ривожлантириш дастурлари муҳокама қилинган сессияда иштирок этдим.

ОИИБ Ўзбекистоннинг асосий сессиялар бўлиб, фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, иш ўринларини яратиш ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган улкан инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қўмақлашга тганини иқтисодчи сифатида, айниқса, юқори баҳолайман.

ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ДАСТУР

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ҲАҚИДА



Бугун дунё миқёсида бир тенденция қарор топмоқда. Бу ижтимоий сиёсат ҳар бир давлат ривожланиши ва бошқаруви, таъбир жоиз бўлса, таянч устунига айланаётганидир. Дарҳақиқат, жамиятдаги турли шахслар ҳамда гуруҳлар ўртасидаги тенгликни тартибга солишда, ижтимоий адолат ва ижтимоий мувозанатни таъминлашда унинг ўрни беқиёс.

Ижтимоий адолат ҳукмрон бўлган давлат барпо этишни ўзининг энг олий мақсади деб билган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди дастурида илгари сурилаган гоя ва ташаббуслар айнан шу жиҳатга қаратилган.

Сайловолди дастурида партиянинг сиёсий майдондаги сўл позициясига хос ва мос равишда ижтимоий-демократик гояларни ифодаловчи вазибаларга алоҳида устуворлик берилган.

Бу йилги сайловолди дастуридан 10 та йўналишда 15 та стратегик қадамдан иборат устувор мақсадлар ўрин олган.

Биринчи йўналиш.

Ижтимоий барқарорликнинг таянчи бўлган кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишга интиламиз!

Ушбу йўналишда ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиш, ижтимоий тафовутларни камайтириш, муқтожларга ёрдам бериш, камбағалликни қисқартириш, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш бўйича самарали сиёсатни амалга оширишни мақсад қилганмиз. Шу боис, давлат аҳоли манфаатларини тўлақонли таъминлаш мақсадида кучли ижтимоий сиёсат юритиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Мазкур йўналишдаги ташаббуслар 3 та стратегик қадамда ўз ифодасини топади.

1-ҚАДАМ. Ҳар бир шахсининг Конституция билан кафолатланган ижтимоий ҳуқуқлари адолатли ва самарали амалга оширилишини таъминлаш.

Аввало, парламентдаги фракциямиз ижтимоий таъминот ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янги нормалар билан тўлдириш орқали Ижтимоий кодексни қабул қилишни мақсад қилган.

Давлат ўз фуқаролари учун гамхўрлик қилиши керак. Шу мақсадда имтиёзга эга бўлган фуқаролардан ташқари бошқа оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган фуқаролар тоифаларини ва уларга кўрсатиладиган ёрдам турларини қонунчиликда аниқ белгилаш лозим. Давлат унга гамхўр эканини англаган фуқаро давлатдан рози, зарур бўлса унга фидойиллик кўрсатишга ҳам тайёр бўлади. Бу давлат ва фуқаро ўртасидаги ўзаро ишонччи мустаҳкамлаштириш.

Шунингдек, биринчи қадамда ҳар бир инсоннинг бирламчи ҳаётини эҳтиёткорлик билан яшатишга эҳтиёткорлик билан қаратадиган энг кам истеъмол харажатларини қонун даражасида белгилаш мақсадида “Энг кам истеъмол харажатларини белгилаш тартиби тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш назарда тутилган.

2-ҚАДАМда ногиронлиги бўлган шахсларнинг талаб ва эҳтиётлари, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи ўрин олган.

Бунинг учун миллий қонунчиликни БМТнинг Ноғиронлар учун тенг имкониятларни таъминлаш бўйича стандарт қондаларига тўлиқ мувофиқлаштиришга эришиш лозим.

Жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар учун объекти ва хизматларнинг қулайлиги миллий стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда “Ноғиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонуннинг алоҳида қисми сифатида қонун даражасида мустаҳкамлаш белгилаш. Қолаверса, темир йўл вокзаллари, аэропорт ва шохбекатларда кўзи оғирлар учун электрон аборот эшитиш мосламаларини, светофор ва махсус йўлакларда ногиронлиги бўлган шахсларни оғоҳлантирувчи овозли электрон жиҳозларни ўрнатилиш мақсад қилинган.

3-ҚАДАМда давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш назарда тутилган.

Мазкур йўналишда ҳаётини заруратга айланиб бораётган бир қатор ташаббуслар ўрин олган. Бунда аёлларга пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига боласи 3 ёшга тўлгунча уни парваршилаш таътилларида бўлиш вақтини тўлиқ қўшиб ҳисоблаш керак деб биламиз.

Эр ёки хотини вафот этганда ҳамда вафот этган шахс кўпроқ пенсия олган тақдирда ушбу пенсиянинг унинг ҳаёт бўлган турмуш

ўртоғига ўтказиб бериш (пенсияни алмаштириш) тартибини жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Биз фуқароларнинг жамғариб борилаётган пенсия манфаатларини бошқариш, уларни домий равишда онлайн равишда кузатиш, банкка депозитга қўйиш орқали кўнайтириш бориш имкониятини бериш керак деб ҳисоблаймиз. Жамғариб борилаётган пенсия манфаатларини бошқариш тизимини йўлга қўйиш ва унда бевосита пенсионернинг ўзи иштирок этиши тарафдоримиз.

Бундан ташқари, пенсияга чиқиб, камида беш йил ишлаб, даромад солиғи ва ижтимоий солиқни тўлаган пенсионерлар учун муқаддам тайинланган пенсияни қайта ҳисоблаб, оширилган миқдорда тайинлаш имкониятини бериш ва пенсия ёши ўзгартирмасдан сақлаб қолши бўйича юришдиётган сиёсатни давом эттириш тарафдоримиз.

Иккинчи йўналишдан аҳолини арзон уй-жой ва сифатли коммунал хизматлар билан таъминлашга доир ташаббуслар ўрин олган.

Бунда ХДП фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, бунинг учун арзон уй-жой қурилишини кенгайтиришга қатъий ҳаракат қилади.

Мазкур йўналишдаги ташаббуслар икки та қадамда ўз ифодасини топади. Хусусан, 4-ҚАДАМда аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш ҳамда қурилиш соҳасида самарали назорат ўрнатиш кўзда тутилган.

Биз “Ижтимоий турар жойлар тўғрисида”ги қонунни қабул қилишни мақсад қилганмиз. Унда уй-жойнинг яшаш шароити ўна оғир, ногиронлиги бўлган ёки оила аъзолари орасида ногиронлиги мавжуд аёллар, оилавий болалар ўйлари битирувчилари учун ижтимоий турар жойлар қуриш назарда тутилади.

5-ҚАДАМда юқоридаги ташаббусларнинг мантиқий давоми бўлган аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш даражасини оширишга уруқ қаратилган.

Коммунал хизматларнинг сифатли ва ўз вақтида бўлиши аҳоли ҳаёт тарзини осонлаштиради. Биз коммунал хизматлар ва уй-жой фондидан фойдаланиш бўйича хизматлар нархлари ва тарифларни белгилашни тартибга солиш мақсадида “Коммунал хизматлар нархлари ва тарифларини тартибга солиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилишни режалаштирдик.

Ушбу қонун билан кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муқтож тоифадаги фуқаролар учун субсидиялар ёки имтиёзлар механизмларини яратиш имконияти биз учун муҳимдир.

Бундан ташқари, фуқаро коммунал хизматлардан асосан ёки таъминотнинг айби билан узилган тақдирда таъминотчи томонидан фуқарога компенсация тўлаш тизимини жорий этиш каби ташаббуслар ўрин олган.

Сайловолди дастурининг **учинчи йўналиши** шаҳарлар ва аҳоли яшаётган пунктларнинг хавфсизлиги ва экологик барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Бундан ташқари шаҳарлар ва аҳоли пунктларнинг тарихий қиёфасини сақлаш, табиий ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича ўз саъй-ҳаракатларини кучайтиришни мақсад қилган.

6-ҚАДАМда Ўзбекистонни хавфсиз ва экологик барқарор ҳудудга айлантириш йўлидаги ташаббуслар ўрин олган.

Партия мазкур қадамда давлат йиллов хўжаликларни тизимини йўлга қўйиш, уларга нисбатан давлат ўрмон хўжаликларига қўлланиладиган ер ва солиқ имтиёزلарни қўллаш, бунда ушбу имтиёزلар ҳисобидан иқтисод қилинадиган маблагларни йилловларни тиклаш, деградиациядан чиқариш, йиллов ўсимликларни уруқчилиги майдонларини кенгайтириш тадбирларига сарфлаш масалаларига эътибор қаратган.

Ушбу йўналишда маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳларимиз билан биргалликда шаҳар ҳудудларида ёмғир сувлари тошганининг олдини олиш мақсадида дренаж тизимини қайта қўриб чиқиш, электр жамоат транспортини воситаларини улушини кўнайтириш, бепул электр қувватлаш станцияларини ташкил этиш учун фаол иш олиб боришни мақсад қилганмиз.

нархларини тартибга солишга қаратилган гоялар мустаҳкамлашган.

Биз бунда дори ва тиббий буюмларнинг нархлари бўйича чекловларни белгилаш юзасидан “Дори-дармонлар ва тиббий воситалар нархларини давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш муҳимлигига эътибор қаратганмиз. Ишонимизки, дори-дармон ва тиббий воситаларнинг нархлари давлат томонидан тартибга солиниши аҳолини ортқиқча ташвишлардан халос этади.

Мазкур қадамда биз замонавий тиббиёт ва халқ таъминоти қўшган ҳолда давлат стандартларини (протоколларини) жорий этиш орқали дориға қарамликни камайтириш ташаббусини ҳам илгари сурамиз.

Дастуридаги 9-ҚАДАМ спорт ва маданиятни қўллаб-қувватлаш ва оммалаштиришга қаратилган.

Партиямиз аҳолини спортга оммавий жалб қилишни соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим қисми ҳисоблайди. Лекин жамиятда ҳамма ҳам профессионал спортчи бўлиб кетавермайди. Ҳар қандай касб эгаси истаган вақтда спорт билан шуғулланиши учун шароит яратилиши керак. Бу йўлда биз

олдини олиш ва бошланғич синфларда ўқувчилар сонини 20 нафардан оширамиз, катта синфларда эса 24 нафаргача ўқувчи ўқитиш тизимини яратиш тарафдоримиз.

Биз мактаблар ўқув дастурларида чет тиллар ва ИТ бўйича ўқув соатларини кескин кўнайтириш керак деб ҳисоблаймиз. Дастуридаги **олтинчи йўналиши** “Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти кучли ижтимоий сиёсатнинг асосидир” деб номланган.

Ундаги 11-ҚАДАМда иқтисодиётда давлатнинг фаол роли ва иштирокини сақлаб қолш, камбағалликни қисқартириш, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда банк-кредит соҳасини ривожлантириш бўйича таклифлар ўрин олган.

Партиямиз стратегик аҳамиятга эга компаниялар устидан давлат назоратини сақлаб қолш, уларни хусусийлаштиришни қонун даражасида тақиқлаш тарафдоримиз. Бунга сабаб, энергетика, транспорт ва муҳофаа санати каби стратегик муҳим соҳалар миллий хавфсизликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Партиямиз ипотека кредити тўлови бўйича қарзорлик юзга келгани сабабли гаровга қўйилган кўчмас мулкни аукционда сотишдан олдин кредит олган шахсга уч ой муддатда ушбу кўчмас мулкни уч томонлама олди-сотди шартномаси асосида ўзига қўлай нархда сотиш имконини бериш керак деб ҳисоблайди.

Сайловолди дастурининг **САККИЗИНЧИ Йўналиши**ни тўлиқ қамраб олган 13-ҚАДАМда партия очик, шаффоф, халқчил ва демократик давлат бошқаруви тизимини жорий этиш тарафдори экани белгилаган.

Унда парламентдаги фракциямиз аҳолининг ижтимоий кайфиятига таъсир кўрсатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг мажбурий жамоатчилик муҳокамаси ва экспертизаси механизминини яратишни кўзлагани айтилган.

Партия ушбу йўналишда “Менинг фирим” платформасини такомиллаштириш орқали фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, партиямиз давлат бошқарувида юқори профессионализмни таъминлаш мақсадида қонун даражасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбари лавозимига фақатгина шу соҳада камида ўн йиллик иш стажига эга бўлган малакали мутахассисларни тавсия этиш бўйича талабини белгилаш учун ҳаракат қилади.

Ижро ҳокимияти томонидан муҳим ижтимоий қарорлар қабул қилишда сиёсий партиялар фракциялари ва жойлардаги партия гуруҳлари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш институтини жорий этиш, давлатнинг айрим функцияларини бошқичма-бошқич фуқаролик жамият институтига ўтказиш, сиёсий партиялар, депутатлик биланшамалари ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш каби таклифлар ҳам ушбу йўналишда ўз ифодасини топади.

Дастуридаги **тўққизинчи йўналиши**да қонун устуворлиги, ижтимоий тенглик ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш, фуқаролар ҳамжихатлиги ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича таклифлар акс этган.

Партиямиз қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш асосида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича суд механизмларининг мақбулликни таъминлаш учун қатъий ҳаракат қилади. Жумладан, 14-ҚАДАМда суд механизмларининг мақбулликни таъминлаш, қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва имкониятлар тенглигига қатъий амал қилишга қаратилган ташаббуслар ўрин олган.

Биз бу йўналишда, биринчи галда, одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари ўрнига ҳакамлар ҳайъати институтини жорий қилиш керак деб ҳисоблаймиз. Мазкур институтининг жорий этилиши демократик тамойилларни мустаҳкамлашга, суд жараёнларининг холислиги ва адолатлигини оширишга, коррупция хавфини камайтиришга ва фуқароларнинг суд тизимига бўлган ишончини янада юксалтиришга ёрдам беради.

Шунингдек, соҳавий назорат органларининг (инспекция) мустақиллиги ва мақомини кучайтириш, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг уларга таъсирини камайтиришни мақсад қилганмиз. Мазкур ташаббус давлат назоратининг холислиги, шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлашдаги муҳим қадам ҳисобланади.

Бундан ташқари, ушбу қадамдан давлат бюджети ҳисобидан қимматбаҳо совғалар ҳада қилишни тақиқлаш, давлат бюджети маблағларини самарасиз ҳамда мақсадсиз ишлатганлик учун жавобгарликни кучайтириш ва яна бошқа қўллаб ташаббуслар ўрин олган.

Дастурдаги сўнги, **ўнинчи йўналиши**да миллий манфаатларга асосланган очик, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсатни изчил давом эттириш билан боғлиқ гоялар мустаҳкамлашган.

Ундаги 15-ҚАДАМда Ўзбекистоннинг халқаро мавқени мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатдорлик ва тенг ҳуқуқлик асосида ҳамкорлик ва шерикчиликни фаол ривожлантириш назарда тутилган.



“ҲАР БИР ИНСОН УЧУН ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК ВА АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА МУНОСИБ ЯШАШ ШАРОИТИНИ ЯРАТИШ, ИЖТИМОЙ ТАФОВУТЛАРНИ КАМАЙТИРИШ, МУҚТОЖЛАРГА ЁРДАМ БЕРИШ, КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ, АҲОЛИНИ ЯНГИ ИШ ҶОЙЛАРИ ВА КАФОЛАТЛИ ДАРОМАД МАНБАИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА САМАРАЛИ СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ МАҚСАД ҚИЛГАНМИЗ. ШУ БОИС, ДАВЛАТ АҲОЛИ МАНФААТЛАРИНИ ТЎЛАҚОНЛИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ЮРИТИШИ ЛОЗИМ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ.”

workout тизимини оммалаштиришни аҳолининг спорт билан бепул шуғулланиши учун ажойиб ечим деб ҳисоблаймиз.

Сайловолди дастурининг **бешинчи йўналиши** ёшларнинг сифатли таълим олишига қаратилган.

Дастурида вазирлик ва идоралар томонидан давлат хизматларини кўрсатиш ёки жарима солиш натижасида тушадиган барча тушумларни тўлиқлигича давлат бюджетига йўналтириш кўзда тутилган.

ИЖТИМОЙ
Давлат
УЧУН!

Ёшларга сифатли таълим берилиши мамлакат интеллектуал салоҳиятини юксалтириш қароридир!

Биз 10-ҚАДАМда фуқаролар барча таълим муассасаларида сифатли мактабгача, ўрта, олий таълим, шунингдек, касбий таълим олиши, малакасини ошириши учун тенг имкониятлар яратишга эришмоқчимиз.

Биринчи навбатда, “Ягона ижтимоий реестр”да рўйхатга олинган оила фарзандларини давлат мактабгача таълим ташкилотларига тўланадиган тўловдан озод қилишни назарда тутганмиз.

Мактабгача овқатлантириш тизими устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, зарарли озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишининг

Дастуридаги **ЕТТИНЧИ Йўналиш** “Товар ва хизматлар нархларининг ижтимоий мақбулликни таъминлаш — манзилли ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналиши” деб номланган. Партиямиз ижтимоий аҳамиятга эга товар ва хизматларнинг нархларини шакллантириш устидан давлат ва жамоатчилик назоратини қатъий ўрнатиш лозим деб ҳисоблайди.

12-ҚАДАМда эҳтиёткорлик аҳоли қатламнинг қўндалик зарур товар ва хизматлардан фойдаланишни таъминлаш масаласига эътибор қаратилган.

Кам таъминланган аҳоли қатлами учун қўндалик зарур товар ва маҳсулотларини арзон нархларда сотиш бўйича **ижтимоий дўконлар тармоғини** ривожлантиришни кўзда тутиямиз.

Хусусан, минтақавий барқарор ижтимоий ривожланиш, муқобил энергетика ва замонавий тиббиёт соҳаларида инновацион дастурлар ҳамда лойиҳаларни халқаро ҳамкорлар билан биргалликда амалга ошириш мақсад қилинган.

Халқ демократик партиясининг сайловолди дастури билан танишган ҳар бир сайловчи унинг кенг аҳоли қатлами вакиллари манфаатларини акс эттирган, гоя ва ташаббуслар том маънода вақт синовидан ўтган чукур асосга эгаллиги, партиянинг пировард мақсади халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлаш эканига тўлиқ амин бўлади.

Халқ демократик партияси ва депутатликка номзодларига овоз бериң!

Фирдавс ШАРИПОВ,

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари

Ўзбекистон халқ демократик партияси ва унинг номзодларига овоз бериң!

ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ХАБИГА АЙЛАНА ОЛАДИМИ?



Бошланиши 1-бетда

Телевизор, музлаткич, қўйинги, исталган турдаги маиший техника воситалари тадбиркорларимиз томонидан юқори сифатда ишлаб чиқарилишини бир вақтлар тасаввур ҳам қилмасдик. Ҳозир одамлар қўрқмасдан маҳаллий электротехника маҳсулотларини харид қилипти. Тармоқда тадбиркорлар, экспортчилар сони кундан кунга ортмоқда. Асосийси, электротехника саноати мамлакатимиз иқтисодийнинг муҳим ўсиш нуқталаридан бири, аҳоли бандлигини таъминлашни катта йўналишига айланди. Битта ишлаб чиқариш корхонасида ўнлаб, юзлаб киши ишлаша ҳам бир неча шундай корхонада қанча одамнинг бандлиги таъминлигини тасаввур қилаверинг.

ЭКСПОРТДА СИФАТ “ТАПИРАДИ”

Тармоқда асосий эътибор тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиши бежиз эмас. Бойси, айнан кичик ва ўрта бизнес вакиллари фаоллиги билан янгида янги ишлаб чиқариш қувватлари, турли номдаги маҳаллий брендлар пайдо бўляпти. Жорий йилнинг 5 сентябрь куни давлатимиз раҳбари раислигида электротехника соҳасида ишлаб чиқариш, экспорт ва инвестиция ҳажмини кўпайтириш масалалари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида шу жиҳат алоҳида тилга олинди. Бозорда рақобат ортгани эса бизнес вакиллари сифатли, аҳоли

талабига мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ундайпти.

Президентимиз жорий йилги тадбиркорлар билан очик мулоқоти чоғида электротехника саноати вакиллари ҳам тинглаб, таклифларига муносиб ечимлар берган эди. Орадан кўп ўтмай, саноатнинг маъқур йўналишидаги долзарб вазифаларни кўриб чиқишга бағишланган йиғилишида яна муаммолар ўртага ташланди. Бизнес эгалари, ишлаб чиқарувчилар таклифлари тинланди. Мутасаддилар олдида тармоқдаги корхоналар билан тизимли ишлаш вазифаси қўйилди.



Миллий бренд

лари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ҳам йирик ишлаб чиқариш қувватлари мавжуд. Ҳозирги кундаги рақобат муҳити корхоналардан сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни талаб этмоқда. Жаҳон стандартларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш орқали экспорт ҳажмини янада оширишга эришилади. Бу борада ҳам тадбиркорларни қўллашга интиляпти. Кичик ва ўрта корхоналарда стандартлар жорий қилиш, сертификатлар олиш, маркетинг тадқиқотлари ўтказишда талаб қилинадиган сарф-харажатларнинг бир қисmini қоплаб бериш тизими самарали ечимлардан биридир.

Замонавий стандартлар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташқи бозорларга реализация қилиш ҳам оsonроқ кечади. Бу Ўзбекистонда минтақадаги электротехника хабига айлантириш бўйича олдимизга қўйган вазифамизнинг бир қисmidир. Бунинг учун ҳамкор ва қўшни мамлакатларда ишлаб чиқариш саноатини ташкил этиб, юртимиздан бутловчи ва эҳтиёт қисmlар етказиб бериш чоралари кўриломоқда. Жумладан, Тожикистон ва Қозғистонга иситиш қозони, телевизиор, музлаткич ва совиткичлардан ташқари сув иситкич, ошхона плиталари, минилеп, чангопкыч, ошхона дудбўрони, кир ювиш машинаси каби маиший техника ишлаб чиқариш учун зарур бутловчи ва эҳтиёт қисmlар етказиб бериш ҳам шундан биридир. Россия ва Қозғистон бозорларига йирик маркетинглар орқали кириб бориб, тўғридан тўғри актуел истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бериш тизими йўлга қўйилди. Натижада Россияга экспорт ҳажмини 500 миллион доллар, Қозғистонга 300 миллион долларга етказиб мақсад қилинган. Бундан ташқари, аввал яхши эътибор берилмаган Афғонистон бозорига ҳам аста-секинлик билан кириб бораётиб.

Умуман, саноатнинг бу йўналишида шу йилнинг ўзидаёқ юқори ўсиш кўрсаткичлари эришиш кўзда тутилган. Хусусан, йил якуни йўлга қадар қиймати 481,7 миллион долларлик 85 та ҳудудий лойиҳа амалга оширилиб, 4,3 мингта домий иш ўрни яратилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 31 триллион сўмга етказилиб, 120 фоиз ўсиш суръатида эришилди. Соҳа корхоналари томонидан 1,3 миллиард долларлик маҳсулотлар экспортга йўналтирилиб, экспорт географияси 70 та давлатга етказилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган электротехника маҳсулотлари янада кўпроқ мамлакатларга кириб бориб, миллий брендини таъминлашга хизмат қилади.



Сарвар АҲАДОВ, Тошкент шаҳридаги “Технопарк” корхонаси раҳбари:

— Тадбиркорлик азалдан оson соҳа эмас, бунинг ичида юрганлар яхши билади. Мамлакатда бизнесни ривожлантириш учун, аввало, қулай шароит зарур. Бу эркин ишлаш имконияти, соғлом рақобат муҳити, бозорга чиқиш имкониятлари ва ҳоказо. Олдинлари тадбиркорни эшитадиган, муаммосига ечим берадиган тизим бўлмагани учун ҳам юртимизда кейинги йиллардагина ишбилармонлик ривожлана бошлади. Биз учун очилган жаҳон бозори ва ишлаш учун яратилаётган шароитлар катта имконият. Бунга қўшимча тарзда давлатимиз раҳбарининг ўзи муаммоларимизни тинглаётгани бизни янада ишлагига ундайпти.

“Технопарк” мисолида оладиган бўлсам, пойтахтда жойлашган ушбу мажмуа қурилиши бошланган вақтда унинг ишлаб кетишига кўпчилик ишонмаганди. Умуман, электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришда тадбиркорларнинг ўзида ҳам иккилианишлар бўлгани рост. Аммо қатғий қадамлар қабул қилинган ва иккилианишлар бўлгани рост. Аммо қатғий қадамлар қабул қилинган ва иккилианишлар бўлгани рост. Аммо қатғий қадамлар қабул қилинган ва иккилианишлар бўлгани рост. Аммо қатғий қадамлар қабул қилинган ва иккилианишлар бўлгани рост.



Айни пайтда “Технопарк”да йилгига 5,8 миллион дона маиший ва саноат электротехника маҳсулоти ишлаб чиқариш қуввати мавжуд. Бу ерда 3,7 мингдан ортиқ киши меҳнат қилиб, даромад топапти. Утган йили 2,6 триллион сўмлик тайёр маҳсулот сотилган бўлса, Греция, Туркия, Россия, Арманистон, Грузия, Мўғулистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Афғонистон каби кўп давлатларга 50 миллион долларга яқин экспорт қилинди.

Иш фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида давлатимиз раҳбарига бир қанча таклифлар билдирдик. Жумладан,

Мирзиёв ЮНУСОВ, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси бошқаруви раиси:

— Юртимизда электр техникаси экспорти 1 миллиард долларга етиб, тўқимачиликдан кейинги иккинчи маҳаллий саноат тармоғига айланди. Ушбу йўналишда бугунги кунда мингдан ортиқ кичик ва ўрта корхона фаолият юритиб келмоқда. Бир вақтлар улар бармоқ билан саналди эди. Тадбиркорлар сони ўз-ўзидан ошаётгани йўқ. Соҳада шунга яраша имконият, рағбат борлиги, жаҳон бозорига ҳам бу турдаги маҳсулотларга талаб юқори экани бизнес эгаларини қизиқтирмоқда. Бунинг ортидан ишлаб чиқариш қувватлари ҳам, маҳаллийлаштириш кўрсаткичи ҳам ошиб бораётипти.

Олдимиздаги асосий вазифалардан бири тадбиркорларни янада қўллаб-қувватлашга қаратилган. Аввало, корхонабай ишлаш тизимини йўлга қўйиш лозим. Қолаверса, тармоқдаги корхоналарни яшил, сариқ ва қизил тоифаларга ажратган ҳолда манзилли ишлаш яхши самара беради. Масалан, бугунги кунда қизил тоифада 69 та, сариқ тоифада 227 та, яшил тоифада эса 722 та корхона мавжуд. Улардаги ишлаб чиқариш ҳажмларини 20 фоиз ошира олам, бу қўшимча 3,8 триллион сўмлик маҳсулот деганидир.

Авваллари электротехника саноати фақатгина Тошкент шаҳри ва вилоятда ривожланган бўлса, энди Самарқанд, Фарғона вилоят-

“ЗАРАРСИЗ” ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАРУР

Электротехника — катта бозор. Унга қараб, ўз ўрнини эгаллаган давлатлар яхшигина даромадга эга бўлади. Юртимизда бу йўналишдаги экспорт географияси сўнгги уч йилда 2 қарра охиб, 62 давлатга етди. Ишлаб чиқарилаётган 200 турдаги маҳсулотнинг 195 тури экспорт бўляпти. Аммо янги бозорларга кириш, борларини эса сақлаб қолиш оson эмас.

Жаҳон бозорининг ўзига яраша талаблари бор. Бу талаблар орасида “экологик тоза” каби нормалар мавжуд. Яъни ҳозир маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзи етарли эмас. Глобал иқлим ўзгаришлари шартларида корхоналардан атраф-муҳитга камроқ зарар етказиш чораларини кўриш ҳам талаб этиляпти. Айниқса, электротехника саноатида бунга зарурат юқори. Ишлаб чиқариш жараёндари зарарли чиқиндилар чиқаришни камайтириш, уларни қайта ишлашни йўлга қўйиш шулардан бири. Яъни бу йўналишдаги муаммоларга ечим топиш, янги ҳаёт шартларини қўллашнинг вақти келди.

Шухрат УМАРОВ, Жиззах аккумулятор заводи раҳбари:

— Корхонамизда йилгига 1,2 миллион дона аккумулятор ишлаб чиқарилади. Айни пайтда 670 киши меҳнат қилипти. Утган йили 375 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот харидорларга етказиб берилди. Туркия, Россия, Афғонистон ва Қирғизистонга 3,5 миллион долларлик экспорт қилинди.

Автомобилсозлик саноати нафақат жаҳонда, балки юртимизда ҳам ривожланиб бораётипти. Бизнинг асосий харидорларимиз ҳам автомобиль ишлаб чиқарувчи корхоналар.

Афсуски, бу йўналишдаги ишлаб чиқариш жараёни атмосферага сезиларли зарарли чиқиндиларни чиқариб келмоқда. “Яшил” иқтисодий ривожлантиришга интиляётган мамлакатлар учун бу жиддий муаммолардан биридир.

Масалан, ҳар йили юртимизга 2 миллион дона янги автомобиль аккумулятори фойдаланишига кириб келади. Уларнинг хизмат муддати ўртача 2-3 йил, айрим ҳолларда 5 йилгача ҳам ишлаши мумкин. Натижада йилгига хизмат муддатини ўтаб бўлган 35 минг тонна автомобиль аккумулятори ҳосил бўлади. Лекин бизда фойдаланишдан чиққан, атраф-муҳит учун зарарли бўлган аккумуляторларни қайта ишлаш тартибга солинмаган. Ваҳоланки, бир дона нотўғри утилизация қилинган



аккумулятор батареяси 200 метр квадрат tupроқ ёки 5 метр куб сувни флослантириши мумкин.

Шу бос, ўз истеъмол хусусиятини йўқотганидан кейин автомобиль аккумулятори чиқиндисини утилизация қилиш тизими жорий этиш таклифини билдирдим.

Муносабат

“Давлат — жамият — инсон” томоили янги Ўзбекистон шароитида, аввало, инсон, кейин жамият ва давлат кўринишини олганидан кейин мамлакатимизда том маънода ҳар бир фуқаро билан индивидуал ва манзилли ишлаш йўлга қўйилди. Бунда илк бор камбағаллик даражаси тан олинди, уни қисқартиришга комплекс тарзда киришилди.

Президентимиз раислигида камбағалликни қисқартириш ишларини янги сифат босқичига олиб чиқиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида бу борадаги ишлар таҳлил этилар экан, 2023 йил якуни билан камбағаллик даражаси 11 фоизга тушгани эътибор этилган ҳолда, олдинда турган устувор йўналиш ва асосий вазифалар белгилан берилди.

Кейинги йилларда Олтиариқ туманида бу йўналишда айतिшга аргизулик ибратли ишлар амалга оширилди. Аммо бу мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, деган хулосани бермайдим.

Бундан уч йил аввал туманимиз бўйича камбағаллик тоифасидан аҳоли сони 35 минг 700 нафарни ташкил этган. Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ешлар ва хотин-қизларга касб-хунар ўргатиш, даромадли иш билан бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш борасидаги ислоҳотларга ҳамоханг

равишда олиб борилган амалий сазй-ҳаракатларимиз натижасида 8,4 минг нафари камбағалликдан чиқарилди.

Бунда аҳолининг ушбу тоифа вакилларига имтиёзли кредитлар ажратиш, субсидиялар бериш, касб-хунар ва тадбиркорлик йўналишларида ўқитиш, домий ва мавсумий ишларга йўналтириш, Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор ҳамда Гийжувон туманлари таъбираси асосида бандлигини таъминлаш асосий йўналиши сирасини ташкил қилади.

Соҳалар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, 474 оилга имтиёзли кредитлар ажратиш, 113 тасига субсидия асосида енгил конструкцияли иккисоҳоналар қуриб бериш ҳамда асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари харид қилиш, 321 оила аъзоларини касб-хунар ва тадбиркорлик йўналишларида ўқитиш, бандлигини таъминлаш, 210 оила аъзоларини домий ва мавсумий иш ўринларида жойлаштириш борасида тизимли ишлар олиб бориляпти. Бундан ташқари, 399 оиланинг юқорида санаб ўтилган туманлар таъбираси асосида даромаднинг ошириш ва бу орқали тумандаги 1517 та камбағал оила даромадини 1,5-2 миллион сўмдан ошириш билан

камбағаллик даражасини йил якунигача 9,8 фоизга туширишни ўз олдимизга мақсад қилиб олганмиз. Бу ишларда туман ҳокими, сектор раҳбарлари яқиндан ёрдам бериб келяпти.

Президентимиз жорий йил 11-12 июль кунлари вилоятимизга ташрифи доирасида берган кўрсатмаларига асосан, йил якуни билан туманимиздаги 1,5 минг оилани камбағалликдан чиқаришни мўлжаллаганмиз.

Ушбу оилаларни домий даромадли қилиш ва камбағалликдан чиқариш мақсадида барча ташкилот раҳбари ўринбосарлари, салоҳиятли тадбиркорларга 362 оила бириктирилди. Улар мавжуд оилалар билан тўғридан тўғри ишлаб, қизиқиш ва имкониятлари асосида кредит, субсидиялар ажратиш орқали бандлигини таъминлаш, касбга ўқитиш, экин ерлари ажратиш чораларини кўрмоқда.

Бугунги кунда 50 тадан ортиқ иш ўрни яратган 52 та ҳамда 5 та 200 дан ортиқ иш ўринлари яратган салоҳиятли тадбиркорларимиз бор. Улар билан ҳамкорликни тўғри йўлга қўйиб, ҳар бир корхонага ўртача 5 нафардан ижтимоий ҳимомадги фуқароларни ишга жойлаш орқали 122 фуқаро бандлигини таъминлаймиз.



“Сайхунобод таъбираси” асосида ҳоким ва ўринбосарларига ҳар бир маҳаллада 10 тадан камбағал оилаларга пакетлар етказиб бериш асосида 720 нафардан ортиқ ижтимоий ҳимомад муҳтож фуқаролар мўқим даромадга эга бўлмоқда. “Уйчи таъбираси” бўйича тижорат банк-

лари томонидан ўларнинг актив миқозлари билан учрашувлар ўтказиш, уларга қўмаклашиш орқали иккинчи ярим йилда 3 мингга яқин иш ўринлари яратилди. Бунда, биринчи навбатда, “Ижтимоий реестр”даги меҳнатга лаёқатли фуқароларни ишга жойлаштиришимиз.

корхонамизда лифт, эскалатор, кучланиш ускуналари, чиллер, иситиш қозонлари каби йирик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Ушбу тур маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш етарли даражада мудат ва маблағ талаб этмоқда. Бундан ташқари, бизда ҳам, харидорларда ҳам айланма маблағ етишмаслиги бос, маҳсулотларимиз омборларда узок мудат туриб қоляпти. Шу бос, истеъмолчилар учун йирик саноат маҳсулотлари хариди бўйича қўлай ставкада лизинг тизимини жорий этиш таклифини ҳам билдирдик.

Яна бир масала, Президентимизнинг тегишли фармони билан экспорти ҳажми 20 миллион доллардан ортиқ корхоналарга айланма маблағ учун 5 миллион доллarga кредит берилляпти. Корхонамиз ўтган йили 50 миллион доллarga яқин маҳсулот экспорт қилди. Экспорт ҳажми ошгани сайн кўпроқ айланма маблағга эҳтиёж туғилмоқда. Айниқса, хориздаги йирик савдо тармоқларига кециктириб тўлаш шарти билан (90-120 кун) маҳсулот сотишда айланма маблағга эҳтиёж кескин ортыпти. Шу бос, йиллик экспорти 50 миллион доллардан ошган корхоналарга кредит миқдорини 5 миллион доллардан 10 миллион долларга оширишни сўрадим. Давлатимиз раҳбари таклифларимиз маъқуллаб, уларнинг ечими бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқ берди.

Масалан, бир килограмм аккумулятор учун Нидерландияда 34 цент, Қозғистонда 46 цент, Россияда 3 цент утилизация йиғими жорий қилинган. Давлатимиз раҳбари таклифимни тинлар экан, бу масала бўйича хориз таъбирасини ўрганиб, автомобиль аккумуляторлари чиқиндисининг атраф-муҳитга зарарини баҳолаб, шоммасдан қарор қабул қилиш зарурлигини таъкидлади. Мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Умуман, билдирилган таклифлар умумий электротехника саноати ривожига хизмат қилиши назарда тутилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Тадбиркорлар ўз манфаатларидан қўра, тармоқ ривожи, биргаликдаги ҳаракатлар муваффақиятига интиляётгани қувонарли. Соғлом рақобат, бозор иқтисодиётининг талаби ҳам шундай — тадбиркорларнинг асосий мақсади аҳоли учун аорб, сифатли, хориз бозори учун экспорт маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилиши лозим. Давлат тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани босини шунада. Бунинг натижасини эса бозорларимиз ва хонадонларимиз тўлдириб турган миллий брендгаги сифатли электротехника маҳсулотлари мисолида кўряпмиз.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ОЛТИАРИҚДА КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ 9,8 ФОИЗГА ТУШИРИЛАДИ

“Зарбдор таъбираси” бўйича 322,2 миллион сўмлик 23 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Истикболли лойиҳалар тўғрисида умумий ҳисобда 800 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Уларнинг 225 таси камбағал оила аъзолари хиссасига тўғри келади.

“Гийжувон” таъбираси бўйича 10 та маҳаллада 150 дан ортиқ лойиҳаларни ишга тушириш ҳисобига 1300 та иш ўрни яратилиши борасида иш олиб бораётиб.

Булар билан қифоялиб қолмайси, албатта. Бинобарин, Президентимиз маъқур видеоселектор йиғилишида “Камбағалликни қисқартириш умумий ҳаракати айланади”, деди. Бу борада олдимизда турган муҳим вазифалар ижроси юзасидан аниқ вазифа ва кўрсатмалар берилди.

Энди ҳар бир оила, уларнинг аъзолари билан индивидуал ишлаши. Бунинг учун етарли имконият, шароитлар бор. Фақат зиммамиздаги вазифани сидқидилдан бажариб, янги Ўзбекистоннинг асосий мақсадларидан бири — ҳалқимизни бугунги яшаётган кундан рози қилишга эришишимиз шарт. Бу мақсадимиз тўлақонли амалга ошса, яъни юртдошларимиз бўлиб бўлса, тадбиркорларимиз кўпайса, ўз навбатида, иқтисодий барқорорлик, аҳоли фаровонлигини таъминлаш каби бошқа мақсадларимизга эришишга ҳам замин яратилади.

Улўбек МИРЗАМАҲМЕДОВ, Олтиариқ тумани камбағалликни қисқартриш ва бандликка қўмаклашиш бўлими раҳбари



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МУАЛЛИМЛАРИ

*Биз билган фаршита, чехрасида файз,
Тוליби Фарҳоддир, бири эса Қайс,
Сиз ўша муаллим — устоз Абу Лайс,
Оламнинг кўзуси, илм заргари,
Янги Ўзбекистон муаллимлари.*

*Бирингиз Форобий, бирингиз Жадид,
Бу йўлга кўп бора қилдилар таҳдид,
Аммо букилмади ишонч ва умид,
Тан бермиш дунёнинг зўр олимлари,
Янги Ўзбекистон муаллимлари.*

*Ҳайратда Кембриж, ҳайратда Париж,
Нақадар улугвор бизнинг юксалиш,
Дунёни лол этди буюк ўзарариш,
Букун асқатмоқда зўр таълимлари,
Янги Ўзбекистон муаллимлари.*

*Ҳар ерда янгилик, инновация,
Илмдан бошқаси бўлмас акция,
Шавкатинг ортмоқда, дилда мадҳия,
Маърифат даргаси бор қавмлари,
Янги Ўзбекистон муаллимлари.*

*Бешта ташаббуснинг дояси сиздир,
Тов бўлсак, шу тоғлар қояси сиздир,
Буюк маънавият гоҳиси сиздир,
Ижод мактабидир кўзин гавҳари,
Янги Ўзбекистон муаллимлари.*

*Спортда, санатда, фанда ўзингиз,
Иқболи баландсиз, ёруғ юзингиз,
Ишончи оқлайди ўғил-қизингиз,
Сиз ҳамон буюксиз, дунё сарвари,
Янги Ўзбекистон муаллимлари.*

*Ҳамиша касбга содиқ қолгансиз,
Маърифат соҳиби номин олгансиз,
Учинчи ўйонгиз бонгин чалгансиз,
Сиз ила боргаимиз буюклик сари,
Янги Ўзбекистон муаллимлари.*

Ашурали БОЙМУРОД,
Ёзувчилар уюмаси аъзоси

Янги таҳрирдаги Конституциямизда давлатнинг ўқитувчилар шаъни ва кадр-қимматини ҳимоялаши, ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида гамхўрлик қилиши қафолатланди.

2024 йил 27 сентябрь, 197-сон

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни ЁШЛИК ОРТГА ҚАЙТСА ЭДИ...



**Дилбар НОРМУРОВОДА,
Термиз шаҳридаги 11-мактаб ўқитувчиси,
“Шуҳрат” медали соҳиби**

“Дунё иморатлари ичида энг улугу мактабдир”, дейди улуг маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий. Дарҳақиқат, бу масканда қалб тарбияланади, ватан чизгиси дилга муҳрланади. Ушбу даргоҳ ўзликни танитади, одамийликни ўргатади.

35 йиллик иш тажрибасига эгаман. Бугун мамлакатимизда таълим соҳасидаги ислохотлар, янгиликлар ва ўзгаришларни кўриб, қайтадан яна ёш бўлиб қолгим келади. Ростки, бир пайтлар мактаб бошланиши билан пахта дала-сида жавлон урардик, ўқувчиларимиз билан берилган режани бажариш учун тонгдан отланар эдик, кўёш ботганда қайтардик. Сўлим кузнинг бағридаги ажойиб байрам — 1 октябрни ҳам далада қалиш билан хурсанд бўлиб нишонлардик. Қоқ янги йил олди захлаб қолган мактаб бағрига қайтиб, жун пайпоқда ҳам музлаб, дарс берадик.

Бугун бари бошқача, бари кўз қувнар, дил яйрар даражада. Юртимиз байроғини кўкларга кўтарётган ёшларни кўриб, қувонч ёшларни юзларимни ювади. Кўнглимда ҳаяжон, дилимда гурур, қалбимда фахр. “Мана бизнинг ёшлар, мана бизнинг келажагимиз”, дейман.

Ҳа, ҳақиқатан, таълим соҳасидаги ишлардан кўзланган мақсад ёруғ машъала ёғдуси билан нурафшон. Қанчадан қанча мактаблар замонавий қиёфада, моддий-техник таъминоти янгилашган. Электрон доскалар, компьютерли синфлар, асбоб-ускунага бой лабораториялар, касбга йўналтириш учун қулайликларга эга синфхоналар, қузатув камералари, кириш ва чиқиш учун мўължалланган турникетлар — хали буни яна қанча давом эттириш мумкин. Ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам қоғозбозликдан қутулган, ҳаммаси электронлаштирилган.

Президентимизнинг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида “ги фармонида ҳам тизимда қатор ислохотлар белгиланган. Хусусан, “Таълим учун қулай муҳит” дастурини амалга ошириш мақсадида мактабларни тоза ичимлик сув ва замонавий санитария-гигиена инфратузилмаси билан тўлиқ таъминлаш режалаштирилган.

Умумий ўрта таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида 700 га яқин номдаги янги дарсликлар, маъшқ дафтарлари, педагоглар учун методик қўлланмалар ва мобил иловалар, шунингдек, янги авлод дарсликларини асосида планшетлар учун 1000 та мультимедиа дастури яратилиш кўзда тутилган.

Мактабларга ҳар йили 500 нафар хорижий мутахассис жалб этиладиган бўлди. Барча мактабларда касб-хунарга ўргатиш курслари иш бошлади.

Президент мактаблари ва ихтисослаштирилган мактабларнинг таълим методикаси барча умумий ўрта таълим муассасалари ўқув жараёнидаги жорий қилиниши борасида ҳам қатор ишлар режалаштирилди.

Бир муаллима сифатида яна бир жиҳат мени жуда қувонтиради: янги таҳрирдаги Конституциямизда давлатнинг ўқитувчилар шаъни ва кадр-қимматини ҳимоялаши, ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида гамхўрлик қилиши қафолатланди. Бундан ташқари, “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Эътибор ва гамхўрлик, имкониятлар фақат янгиликлар сари ундайверади.

Таълим ва тарбия — узвий жараён. Бу борада ҳам ишлар илгариланмакда. Биргина мисол. Таълим соҳасидаги индикаторлар сарҳисобида Сурхондарё бир неча йил 14-ўрнини ҳеч қимга



бермай келган эди, бундан шахсан ўзим қийналар эдим. Бугун эса 14-ўрндан 7-ўрнга кўтарилиши изланиш ва имкониятлардан унумли фойдаланиш натижаси бўлди.

Мактабимиз “Ташаббусли бюджет” да кетма-кет 2 марта голиб бўлди, бунинг натижасида мактабнинг қиёфаси бутунлай ўзгарди, моддий-техник база яхшиланди. Қолаверса, касбдошларимизнинг ютуқлари ҳам бизни ишлашга ундамоқда.

— Мен “вазир устамаси” соҳиби бўлдим, — дейди Термиз шаҳридаги 23-мактабнинг она тили



Шукуҳ

“Накурт” маҳалла фуқаролар йиғинининг Кўшилиш қишлоғи Пайариқ тумани марказидан 70 километр узокда жойлашган. Ям-яшил кенгликлар, пуर्वикор тоғлар бағридаги қишлоқнинг асосий йўли сой ёқалаб ўтади. Ёлғизоёқ йўлнинг икки томонида мевали ва манзарали дархатлар бўй чўзган. Узокдан оқариб турган мўъжазгина бино кўзга ташланади.

Бу қишлоқдаги 40-умумтаълим мактаби. 100 ўринга мўължалланган мактаб баҳаво адирликда жойлашган, юзлари қир шамоли ва кўёшда қорайган болалар таълим муассасасига 3-5 километр йўл босиб келади. Ўқишга иштиёқ баланд қорақўлар учун масофанинг аҳамияти йўқдек гўё. Табиат инжикчиликларини улarga кор қилмайди. Дейлик, куз ва қиш ойларида кей суви кўлайиши тўғрисида йўлда юришининг имкони бўлмай қолган пайтларда ҳам болалар баъзан лой, баъзан сув кечиб мактабга келган пайтлари кўп бўлган. Қишлоқ аҳлидан шу ҳақдаги ҳикояларни эшитар эканман, машҳур адиб Чингиз Айтматовнинг “Биричи муаллим” асаридида мана бу биткилар ёдимга тушади:

“Бўлмасе тизадан сув кечиб, изиридада нафасини кесилди, шунча узоқ жойга — тепаликка ҳар кун қатнаб, тинка-мадоримизни қуритишга бизни ким мажбур қиларди, дейсиз? Мактабга ўз ихтиёримиз билан хавас қилиб борардик. Ўқишларингга борсаларинг-чи, деб бизни қистовга оладиган ҳеч ким йўқ эди... Дуйшэннинг дарслирига қулоқ солиб, ўқиб билан машғул бўлардик”.

Ўқувчи қалбига йўл топилган жойда бошқа сабаблар бекор. Билими, меҳри дунёчилик кенг устозлар бор экан, мактаб муқаддас даргоҳ, устоз эса мисли шамчироқ бўлиб ўзига чорлаб тураверади.

Ёқувлар оиласи асли Хоразмдан. Оила боши Қодирберди Ёқубов узоқ йиллар Хонқа туманидаги 1-умумтаълим мактабига жисмоний тарбиядан, турмуш ўртоғи Зумрад Жуманиёзова эса тарих фанидан ўқувчиларга сабоқ бериб

Яқинларимни соғинаман, аммо БОЛАЛАР МЕҲРИ ШУ ҚИШЛОҚДА ҚОЛИШГА УНДАЙВЕРАДИ

келган. Ҳаётини мактаб ва ўқувчилар билан боғланган ўқитувчилар ҳалоллиги, жонқур ва фидойилиги билан эл ўртасида ҳурмат, эътибор қозонган.

Қодирберди ака ва Зумрад опа олис ҳудудда ишларини ихтиёри этганида аввалги яқинлари ҳайрон бўлди. Аммо бир қарога келинган, уларнинг Пайариқ туманидаги 40-мактабда иш бошлаши аниқ бўлган эди.

Қишлоқ аҳли содда, танти. Улар ўзга ерлик муаллимларни катта ҳурмат билан кутиб олди. Дарров ижарага уй берилди. Қўни-қўшни тез-тез хабар олиб турар. Ўзлари учун тайёрган тансиқ таомлардан илинар, бегона жойнинг пасту баланди ҳақидаги ҳикоялар янги меҳмонлар учун ҳам жуда қизик эди. Меҳри иссиқ бу эл янги ўқитувчиларнинг қишлоққа мослашиши учун борини аямди. Муаллимлар ҳам бирпасда шу ерлик одамларга қўшилиб кетди.

— 2022/2023 ўқув йилидан иш бошладик. Биз бу ерга келгунга қадар тарих фанидан мутахассис йўқлиги сабаб дарс ўтилмаган, — дейди Зумрад Жуманиёзова. — Бу фани янги методика бўйича ўта бошлаганимдан кейин нафақат болалар, балки ота-оналарнинг ҳам қизиқиши ортди. Улар мен билан суҳбатлашиш учун мактабга тез-тез келадиган бўлди. Ўқувчиларим фан олимпиадаларида туман, вилоят босқичларида соғирли ўринларни қўлга киритмоқда.

Таътилда Хоразмга кетиб қолсак, ота-оналар, ўқувчилар телефон қилиб ҳол-аҳвол сўрайдилар. “Қачон келасиз?” дея бетоқат бўлади. Қишлоқ аҳлининг кечиксиз ҳурматидан бошим осмонга етади. Педагог учун бундан катта бахт борми?



Қишлоқ мактабида илк муаллима аёл сифатида иш бошлаган Зумрад опа бу ерга гўёки ўзи билан янги нафас олиб кирди. Ў у педагог сифатида боланинг ҳафсаласизлигига йўл қўймадик энг асосий вазифаси эканини яхши биларди. Шу бонс, тарих фани билан бирга ўқувчи қизларга одоб-ахлоқ сирларини ҳам ўргата бошлади. Уларнинг билимга қизиқишини ошириш, касб-хунарга йўналтиришга эътибор қаратди. Мактабда синфлар ўртасида “Заковат” интеллектуал

ўйини ташкил этилди. Тўғрақарлар иш бошлади. Таълимдаги ўзгаришлар, ислохотлар бу мактабга ҳам кириб борди. Ўз устида ишлаган, ма-лака оширган, тонфага эга бўлган устозлар сони ортиб борар экан, ўқитиш сифати ҳам юксалди. Янги методикалар қўлланила бошланди. Бу болаларнинг билими ва интилишларида ўз аксини топди. Жорий йилда битирувчиларнинг 60 фоизи олий таълим муассасаларига қабул қилинди. Бундан икки йил аввал мактаб “қизил”

тоифага эди. Айни пайтда бир неча тамойиллар асосида “яшил” мақоми олинди. Бунда, албатта, Қодирберди ака ва Зумрад опанинг ҳиссаси алоҳида.

— Қийинчиликлар йўқ деб айта олмаймман. Аёл киши эмасманми, уйни, яқинларимни соғинаман. Аммо болаларнинг катта ҳурмат ва интилишини кўриб, шу ерда қолиш кераклигини ҳис қиламан. Биз келгунча қишлоқда интернет бўлмаган. Болалар телефонга ўрганмаган. Улар билимга чанқок. Зеҳни ўткир, эшитганини илиб олади. Фарзандларимдек бўлиб қолган бу болаларни ташлаб кетишга қўзим қиймайди. Қўлари ёниб турадиган ўғил-қизлар орасида эртага ўртоқ корига ярайдиган асл инсонлар чиқishi га ишончим комил, — дейди Зумрад Жуманиёзова.

Ўқитувчилик катта фидойилик талаб этадиган касблардан биридир. Чунки ҳар бир ўқувчида алоҳида салоҳият борлигини илгаш, уни юзага чиқариш катта меҳнат талаб қилади. Заҳматли, аммо шарафли бу меҳнат натижасида эртага инсониятга нафи тегадиган олим, шифокор, учувчи ёки муҳандис этишиб чиқishi мумкин. Эл орасида ҳурмат-эътибор топган қайсики касб эгалари бор, устоз ва мураббийларнинг самарали меҳнати маҳсулидир. Улар эртага қандай муваффақиятга эришишидан қати назар, қалбининг тўрида ҳаммиша устоз ёки, миннатдорлик туйғуларини ҳукмон бўлиши муқаррар.

— Қишлоқ жуда хушманзара, бу ерда ҳатто экотуризмни ривожлантириш мумкин, — дейди Қодирберди Ёқубов. — Ям-яшил йўл, шувиллаб оқаётган сой, орқада виқор тўкиб турган тоғлар, адирликлар ҳар қандай сайёҳ эътиборини жалб қила олади. Аммо куз ва қиш ойларидаги ёғин-йўллари давоқила қоқулайлик тўғрисида. Иш бошлаган дастлабки кезларимиз 2,5-3 километрга йўлни яёв босиб ўтишга тўғри келган, носоз йўлда сув, лой кечган пайтимиз бўлди. Биз-ку, майли, ўқувчилар қийналиши керак эмас. Вилоят ҳокимлигига шу ҳақда билдирдик. Йўл таъмири, кўприк қуриш бугун навбати билан қилинмоқда. Маҳаллий аҳолининг ўқувчиларимизнинг равон йўлда юриш орузси ушалаётганидан хурсандман.

Педагог ёш авлод келажагига таъсир кўрсатадиган ҳар бир муаммони ўзинга даҳлдор деб билди. Ўқувчисининг зарур билим ва кўнмага эга бўлишига халал бераётган жиҳатлар, ютуқларига рағбат берадиган омилларни эътибордан четда қолдирмайди. Мамлакатимизда спорт ривожига қаратилган эътибор, ўсиб келаётган авлоднинг ҳар жиҳатдан соғлом ва бақувват бўлиб воёга етиши йўлидаги саъй-ҳаракатлар унинг ҳам диққат марказида. Шу сабаб болаларнинг спортга қизиқишини оширишни энг катта вазифаси деб билди.

— Бу ерга келганимда эски, ранги ўчган шахмат-шашка тахталарида бошқа ҳеч нарса йўқ эди, — дея сўзига давом этади Қодирберди муаллим. — Ўзим билан бирга зарур спорт инвентарларини олиб келдим. Болалар футбол, волейбол, стол тенниси билан шугуллана бошладилар. Машгулотларини кенгайтириб, бошқа кўпгина спорт турларини ҳам ўргатаётқимман. Қизиқиш жуда юкори. “Беш ташаббус олимпиадаси” да туманда соғирли ўринларни қўлга киритдик.

Ўқитувчининг мақоми юксак кўрилган жамятда, албатта, ривожланиш бўлади. Шу бонс, мамлакатимизда халқ таълими соҳасидаги ислохотларни бошлашда қўйилган энг катта вазифа ҳам жамятда устознинг нуфузини ошириш бўлди. Бугун педагог ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя қилиш борасида эътиборга молик ишлар қилиняпти. Турли йўналишларда ўз иқтидорини намойиш этган устоз-мураббийларга устама ва қўшмача ҳақ тўлаш механизми жорий қилинган. Жумладан, Президентимизнинг тегишли қарорига биноан, олис ва чекка ҳудудда ишлаётган педагогларнинг моддий рағбатлантириш тизими йўлга қўйилган. Қаҳрамонларимиз ҳам бу имтиёздан фойдаланмоқда.

Муаллимлик — улуг мақом. Шогирдининг билими ва салоҳияти қай даражадалиги устознинг мақоми нечоғлигини белгилайди. Ана шу эзгу мақсадда чекка ва олис ҳудудларга бориб ишлаётган ўқитувчиларини эса эътибор, эҳтиром, эъзоз эгаси дейишга тўла ҳаққимиз.

**Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**



КИТОбХОН ЖАМИЯТ

МАЪНАВИЙ ТАФАККУР ИЛДИЗИ НЕЧОҒЛИҚ ТЕРАН?

Замон билан ҳамнафас

Бугун дунёда содир бўлаётган ўқувлар таъсири воқеалардан мингларча километр узоқдаги давлатларда ҳам сезилмоқда. Чунки чегаралар ҳам, сим тўсиғу темир-бетон деворлар ҳам четдан бўрондай ёғиладиган бўзгунчи ғоялардан сақлай олмайди. Шу боис, ҳозир уйғоқ қалбни ва қатъий иродали бўлишимиз ҳар қачонгидан муҳим. Бундай вақтда минг йиллик ўлма қадриятлардан куч олиш жамият, айниқса, ёшларни ҳар қандай ёт, бўзгунчи ғоялардан ишончли ҳимоя қилади. Зотан, ёшлар онгида қадриятларга хурмат туйғусини мустақамлаш келажақ пойдевори демакдир.



Умида ТЕСАБОВА,

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори



“Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ, биринчи навбатда, ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай энгилмас куч манбаи эса, аввало, инсоният тафаккурининг буюқ кашфиёти — китоб ва кутубхоналарда”, дея таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари. Китоб ва китобхонлик интеллектуал салоҳият ва имкониятларни юзага чиқариш, билим ва заҳни янада чархлардан азалдан муҳим ўрин тўтиб келган. Тафаккур, фикр доираси кенг инсонлар ҳар қандай жамиятнинггина ҳам бойлигидир. Зеро, ривожланишнинг асосида илм, китобхон халқ туради.



эмас-ку деб жим қараб туриб бўлмайди. Шу боис, кўпгина мамлакатлар аҳолини мутулаага қайтариш борасида ўрганишлар ва амалий ишларга бел боғлаган. Ҳа, дунёда болалар ва ўсмирларда мутулаа маданиятини ривожлантириш учун турли ёндашув ва усуллар изланмоқда. Чунки ахборот оқими кўпайгани сари маълумотларни илмининг асл манбаси билан қиёслаш, кенг тафаккур ила уларни саралашга эҳтиёж ҳам ортмоқда. **Инсоннинг шахс сифатида шаклланиши маънавий тафаккур илдинининг қанчаллик чуқур ва мустақамлигига боғлиқ.** Бу эса ўқилган китобнинг муҳим нуқталарини илбғ олишдан иборатдир. Китоб ёш авлодга таъсир этишининг энг қулай воситаси. У инсон ҳис-туйғуси, ахлоқи, ҳатти-ҳаракати, дунёқараши ривожига

бекнёс таъсир этади. Айниқса, ўсмир ёшида, яъни унинг шаклланиш даврида алоҳида ўринга эга. Бадий адабиёт, турли фанларга доир қизиқариш китоблар, лугатлар, маълумотномалар болалар маънавиятини шакллантиришга асос бўлади. Шу боис, хориж мамлакатларида ҳам аҳолини китобхонликка жалб этиш борасида турли тажрибаларга қўл урилмоқда. Масалан, Буюк Британияда болалар ва оилавий мутулаа давлат томонида қўллаб-қувватланади. Аҳолининг турли қатламлари орасида мутулаани омалаштириш учун бир қанча дастурлар ишлаб чиқилган.



Рақамли дунё махсулотлари инсон ҳаётига кириб бориши билан, биринчи навбатда, китобхонлик маданиятида ўзгариш юз бера бошлади. Бу ўзгариш авлодлар ўртасидаги тафовутни юзага келтирувчи омилга айланди. Педагог олим Фирдус Гунешнинг қоғозда ўқиш одатини экранда ўқиш билан солиштирган илмий тадқиқотида рақамлаштиришни ўқиш маданияти ва одатлари таъсири кўйдигича умумлаштирилади: **ахборотга бўлган муносабат, уни ишлаб чиқариш, олиш, фойдаланиш ва алмашиш усули ва жараёнида катта ўзгаришлар рўй бермоқда.** Қидирув механизмлари ва веб-сайтлар қидириладиган маълумотларни топшига ёрдан беради.

Китобхонлик одатлари ўзгармоқда: болаларда мутулаани шакллантириш мақсадига шахсий намуна бўлиш, уйда китоб ҳақида суҳбатлашни одати камайди. Уларга китоб совға қилиш ҳам даярли йўқ. Уйда кутубхона ташкил этиш, кутубхоналарга, ярмақаларга бориш, муаллимлар билан учрашувлар каби анъанавий усуллардан аста-секин воз кечилмоқда. Бу китобхонлик одатлари ҳам ўзгарганини кўрсатади. Ҳозир уларнинг ўринини электрон почта, ижтимоий тармоқлар, матли хабарлар ва бошқалар эгаллади.

Глобаллашув ва ахборотлашув жараёни янада жаддалашгач, жамиятдаги барча фаолиятнинг тури, услуби ёки таркиби мутулаа ўзгариши мумкин. Бу ўзгаришлар замонавийлик тенденциялари сифатида баҳоланса-да, ҳар қандай замонавийлик билан анъанавийлик ўртасида узвий, мустақам алоқа мавжуддир. Ахборот коммуникациялари ривожланиб, ҳамма фаолият рақамлашган тақдирда ҳам кутубхоналар фаолият кўрсатишда давом этади, мутулаанинг классик намунаси сақланиб қолади.

Бугун исталган маълумотни интернет орқали топишингиз мумкин. Бироқ жаҳон ахборот тармоғи маълумотларининг ишончли экани сўроқ остида қолади. Чунки интернетда филтрлаш, анализ-синтез функциялари йўқлиги тўғрисида китобларга ва кутубхонага ҳар доим эҳтиёж сезади.

Дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам ўсмирларнинг китобхонлиги талаб даражасида эмасди. Оила, мактаб ва кутубхоналарда китобхонликка эътибор сусайди. Кейинги йиллардаги ўзгаришлар сабаб **китоб мутулаасига катта эътибор қаратилиши натижасида ҳолат анча яхшиланди. Биргина “Ёш китобхон”, “Зукко китобхон”, “Мутулаа”, “Ёшлар учун минг китоб” каби таллов ва лойиҳалар ёшларнинг мутулаа маданиятини юксалтирди.**

Масалан, “Мутулаа” лойиҳасидан аниқ мақсадлар кўзланган. Жумладан, китоб ўқиш ва унинг тарғиботи замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда янги босқичга олиб чиқиш назарда тутилади. Шунингдек, ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини жамлаб, аҳоли, жумладан, ёшлар учун электрон, аудио ва видео вариантларда бепул фойдаланиш имконини яратиш мақсад қилинган.

Ушбу лойиҳада Миллий кутубхона ўзининг тўлиқ матли ахборот ресурслари билан мақсадлар кўзланган. Бугунги кунда “Мутулаа” лойиҳаси доирасида **1100 дан ортиқ китоб (бадий асар, ҳикоя, эртақ ва илмий оммабоп асар)нинг аудио ва электрон вариантлари тайёрланди, мобил иловига жойлаштирилди.** Мазкур лойиҳа аҳоли, айниқса, ёшлар орасида омалаштириш, мобил иловадан фаол фойдаланилмоқда.

Яна бир ташаббус Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган “Non-Fiction” лойиҳасидир. У орқали жаҳон кўрсатиш китобхонлар томонидан юқори баҳоланган илмий-оммабоп асарларни халқимизга таништириш мақсад қилинган.

Бундан ташқари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, фан арбоблари билан туркум суҳбатлар ташкил этилиши китобхон миллатни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Лекин бу китобхонлик ҳали етарли даражада юксалганини билдирмайди. Бунда болаларнинг нимани ва қандай ўқишига эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади.

ЭЛЕКТРОН КИТОбЛАР САВДОСИ КўПАЙГАН

Кутубхоналар тизимини ривожлантириш, улар замон талабларига жавоб берадиган бўлиши учун бир қатор ишлар режалаштирилган. Ахборот-кутубхона соҳасининг асосий жараёни, жумладан, жамлаш, каталолаштириш, фондларни сақлаш, ахборот технологияларини қўллаш, маълумотлар базалари, услубий ёрдан, кадрлар малакасини ошириш сифатида ҳам эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, бино ва иншоотларни сақлаш, технологик парк ва лицензияли дастурий таъминотни аниқлаш, узлуксиз интернетдан фойдаланиш, турли ижтимоий-маданий тадбирларни ташкил қилиш учун маблаг ажратилмоқда.

2021 йилдан бугун мамлакатимизда ҳар йили апрель ойида “Китобхонлик ҳафталиги” ўтказиб келинмоқда. Мазкур тадбирдан қўзланган мақсад аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китоб ўқишни кенг тарғиб этиш ва китобхонлик маданиятини юксалтиришдир.

Кейинги йилларда ноширлик соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сони сезиларли даражада ошди. 2024 йил 1 май ҳолатига кўра, фаолият юритаётган **матбаа корхоналарининг 271 таси, яъни 14 фоизи давлат улушига эга. Қолган 1660 таси, яъни 86 фоизи хусусий секторга тегишли. Наширётлар томонидан ўтган йил 16 мингдан ортиқ номда жами 34 миллион нусхадан зиёд китоб чоп этилган.**

Шу билан бирга, электрон китоблар савдоси тобора ўсиб бормоқда. 2021 йилнинг биринчи ярмида сотилган барча китобларнинг 18 фоизини электрон китоблар ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йилга келиб, 39 фоизга етди.

Барча саъй-ҳаракатлар китоб мутулаасини ривожлантириш ҳамда ёшлар маънавиятини юксалтириш учун қилинмоқда. Яратилган имкониятлардан тўғри фойдаланиш жуда зарур. Зеро, китоб ўқиган инсон жамиятдаги жараёналарга бефарқ бўлмайди. Унинг қалбида виждони, юрғида ория ва ғурури бўлади.


Тобора виртуаллашаётган даврда китобхонларни тарбиялаш кутубхона тизимидаги барча масъулларнинг, ишчи-ҳодимларнинг асосий миссияларидан биридир.

КУТубХОНАЛАР СОНИ ЕТАРЛИМИ?

Жамият китобхон бўлиши учун кутубхона фаолияти ҳам тўғри йўлга қўйилган бўлиши керак. Ўқувчи ўзи истаган вақтда зарур китобларни топа олиши лозим. Мамлакатимизда кутубхоналарга қаратилган эътибор замирида ана шундай шарт-шароитларни яратиш истаги бор.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мамлакатдаги энг йirik мажмуади. У барча ахборот-кутубхона муассасалари учун мувофиқлаштирувчи ва услубий марказ ҳисобланади. Кутубхонанинг умумий фонди 8 миллион 108 минг 66 нусхадан иборат. Шундан босма нашрлар 7 миллиондан зиёди, электрон ресурслар сони қарийб 10 минг нусхага ташкил этади. Фойдаланувчиларнинг сони кундан кунга ортиб бормоқда. Шу кунгача 360 минг 687 киши кутубхона рўйхатидан ўтган. Кутубхона фондини фойдаланиш учун бу масканга бир йилда ўртача 600 мингга яқин китобхон келади.

Президентимизнинг 2019 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиши янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори соҳада катта ўзгариш ясади. Жумладан, китобхоналарга хизмат кўрсатиш, фондларни тўлдириш ва сақлаш, кутубхона фаолиятини автоматлаштириш, илмий тадқиқот, ташкилий-услубий фаолият, кадрлар тайёрлаш



ҳамда халқро ҳамкорликни кенгайтириш каби йўналишларда юксалиш имконини бери. **Қарор билан республикада юридик мақомга эга, мустақил давлат муассасаси бўлган 186 та туман (шаҳар) ахборот-кутубхона маркази ташкил этилди.** Уларнинг 90 дан ортиғи янги ва капитал таъмирланган, замонвий техника ва жиҳозларга эга биноларда аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Айни дамда қолган ахборот-кутубхона марказлари ҳам босқичма-босқич янги биноларда фаолият бошлаши режалаштирилган.

Бугун мамлакатимизда 13 мингдан зиёд ахборот-кутубхона муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Улардаги универсал фондлар ёши, миллати, маълумоти, ижтимоий келиб чиқиши, илмий даражасидан қатъий назар, барчага бирдек хизмат кўрсатади. **Ушбу кутубхоналардан доимий фойдаланувчилар сони 11,2 миллион нафарни ташкил қилади. Уларда жами 38 миллион номдаги 80 миллион нусхага яқин китоб мавjud.**

МУТУЛАА ЖАМИЯТГА НИМА БЕРАДИ?

Замонамизга келиб, мутулаага қизиқиш муайян даражада пасайди. Бу, албатта, глобал тенденция. Аммо муаммо фақат бизда

Миллий контент

ГЛОБАЛ АХБОРОТ МАКОНИДАГИ ЭНГ ЗАРУР ЭҲТИЁЖ

Давлатимиз раҳбари жорий йил 13 январь кун Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида миллий контент яратиш, уни бойитиш ҳақида масъулларга муҳим вазифаларни белгилаб берган эди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ташкил этган “Энг яхши миллий контент” республика танлови мазкур вазифалар ижросига қаратилган ҳам аҳамиятли.

Миллий матбуот марказида ушбу танлов ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда сўз олганлар миллий контент яратишнинг аҳамияти, унинг муҳим жиҳатлари ҳақида фикр юритди. Жумладан, мамлакатимиз ахборот маконини мукамал, ишончли, пухта хабарлар билан тўлдириш,

миллий контентни муттасил бойитиб бориш ҳақида сўз борди. Бу борадаги ишларни тобора такомиллаштириш муҳимлиги таъкидланиб, мазкур танловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёни ҳақида қисқача маълумот берилди.

Маълум қилинишича, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан эълон қилинган танловда иштирок этиб, “Аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, баркамол шахсни тарбиялашда китобхонлик маданиятини ошириш” лойиҳаси бўйича ғолиб чиққан.

Мазкур лойиҳа доирасида ушшома томонидан қатор ишлар қилинмоқда. Хусусан, ёш тоифасидан келиб чиқиб, болалар учун 10 номдаги

Миллий контент

ГЛОБАЛ АХБОРОТ МАКОНИДАГИ ЭНГ ЗАРУР ЭҲТИЁЖ

“Миллий контент” танлови ҳамда ёшлар маънавиятини юксалтириш учун қилинмоқда. Яратилган имкониятлардан тўғри фойдаланиш жуда зарур. Зеро, китоб ўқиган инсон жамиятдаги жараёналарга бефарқ бўлмайди. Унинг қалбида виждони, юрғида ория ва ғурури бўлади.

Тобора виртуаллашаётган даврда китобхонларни тарбиялаш кутубхона тизимидаги барча масъулларнинг, ишчи-ҳодимларнинг асосий миссияларидан биридир.

Миллий контент

ГЛОБАЛ АХБОРОТ МАКОНИДАГИ ЭНГ ЗАРУР ЭҲТИЁЖ

Миллий контент глобал ахборот маконига энг зарур эҳтиёждир. Уни ҳар кун, ҳар биримиз яратишимиз, халқимиз манфаатларини ҳимоя қилиш учун тарғиб этишимиз керак. Шу маънода, миллий контент ҳам ватан ҳимояси каби муҳим вазифамизга айланди. Бу эса ортага қайтмас сулган кенг қўламдаги ислохотларни тўла ва ўз вақтида амалга оширишимизда муҳим қадамдир.

Миллий контент глобал ахборот маконига энг зарур эҳтиёждир. Уни ҳар кун, ҳар биримиз яратишимиз, халқимиз манфаатларини ҳимоя қилиш учун тарғиб этишимиз керак. Шу маънода, миллий контент ҳам ватан ҳимояси каби муҳим вазифамизга айланди. Бу эса ортага қайтмас сулган кенг қўламдаги ислохотларни тўла ва ўз вақтида амалга оширишимизда муҳим қадамдир.

Зулхумор АКБАРОВА, журналист